8 март — Халқаро хотин-қизлар куни

«Инсон қалбидаги илоҳий нур»

Вазир ҳисоботи нега қабул қилинмади?

«Сенсан севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма...»

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

ЖАМИЯТ

№ 9 (645)
2019 йил
8 март,
жума

Ижтимоий-сиёсий газета | 2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган | www.jamiyatgzt.uz | jamiyat@umail.uz

ҚУРУҚ ГАП ҚУЛОҚҚА ЁҚМАС



3-с.

Сингилнинг дуоси — она дуоси

Ривоят қилишларича буғдой экилган далани босиб ўтиш нонни босгандек увол саналаркан. Фақатгина синглисини кўргани кетаётган ака буғдойзорни босиб ўтиши мумкин экан. Бу гап қанчалар ҳақиқатга яқин билмадик. Лекин сингиллар ҳамиша эътибор ва эъзозда бўлиши кераклиги аниқ.

4-с.

ҲИММАТНИ МИННАТ ҚИЛМАНГ!

5-с.

ҚИСҚА САТРЛАРДА ЎҚИНГ!

Кеча Тошкентда 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз хотин-қизларини байрам билан табриклаб, уларга чуқур ҳурмат-эҳтиром ва энг эзгу тилакларини билдирди.

ВАЗИР ҲИСОБОТИ НЕГА ҚАБУЛ ҚИЛИНМАДИ?

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 августдаги «Аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларига кундалик ҳаётда фойдаланиш учун суюлтирилган углеводород газини етказиб бериш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори жойларда аҳолини қийнаб келаётган долзарб муаммолардан бирини ҳал этишга қаратилган. Айни пайтда республика бўйича жами 3,3 миллионта суюлтирилган газ абоненти бўлиб, газ таъминоти корхоналари томонидан аҳолига жами 3,4 миллион дона маиший газ баллонлари етказиб берилган.

Бундан ташқари, бугунги кунда аҳолида шахсий 1,1 миллион дона газ баллони мавжуд. Яъни, абонентлар сонига нисбатан таъминланганлик даражаси 137 фоизни ташкил этади. Қолаверса, жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, республика бўйича 2,1 миллионта ижтимоий соҳа объектларига суюлтирилган газ етказиб берилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ўтказилган навбатдаги «Ҳукумат соати»да Иқтисодиёт ва саноат вазири Ботир Ходжаев бу борада амалга оширилаётган ишлар хусусида ҳисобот берди.

Вазирнинг айтишича, аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларига кундалик ҳаётда фойдаланиш учун суюлтирилган углеводород газини етказиб бериш тартиби ҳамда аҳоли учун белгиланган нархлар бўйича истеъмол қилувчи ижтимоий соҳа объектлари рўйхати тасдиқланган. 2019 йилда суюлтирилган газ манбалари ва тақсимоти балансига кўра, жорий йилда 806,1 минг тонна суюлтирилган газ ишлаб чиқарилиб, шундан 474,7 тоннаси аҳолининг маиший эҳтиёжлари учун етказиб берилиши белгиланган. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 октябрдаги қарорида суюлтирилган газ асосан аҳолининг ўсиб бораётган маиший эҳтиёжларини қоплаш учун йўналтирилиши белгиланганини инобатга олиб, суюлтирилган газни биржада сотиш миқдори йилдан-йилга камайтирилиб борилмоқда.

Вазир ахборотини тинглаб, соҳада амалга оширилаётган ижобий ишлар талайгина эканини англаш мумкин. Бироқ айни йўналишда Ҳукумат даражасида бир қатор ҳужжатлар қабул қилинганига қарамай, ҳудудларда аҳоли эҳтиёжлари учун суюлтирилган газ етказиб беришда кўплаб камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Айниқса, эшитувда парламент вакилларининг эътирозига сабаб бўлган масала — табиий газ етиб бормайдиган ҳудудларни ўз вақтида суюлтирилган газ билан таъминлаш, газ баллонлари стандартлари ва уларнинг тўлови билан боғлиқ масалалар юзасидан изоҳ сўралди. Боиси жорий йилнинг январь ва февраль ойларида сайлов округларида ўтказилган учрашувлар давомида депутатлар томонидан ушбу масала ўрганилиб, аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган бир қанча камчиликлар аниқланган. Масалан, аҳоли кўтараётган муаммоларга кўра, 20 килограммли маиший газ баллонларига кўп ҳолларда меъёридан кам газ қуйилаётгани жиддий эътирозларга сабаб бўлмоқда. Ёки газ олиш учун келган аҳоли вакиллари банк пластик картаси орқали тўловни амалга ошира олмаяпти.



Вазир депутатлар саволларига жавоб қайтарар экан, бундай салбий ҳолатлар учраб тургани, бу масалада вазирлик томонидан жиддий назорат олиб борилаётгани, камчиликларга йўл қўйган мутасаддиларга нисбатан чоралар кўрилаётганини қайд этди.

Дарвоқе, «Ҳукумат соати»да маълум қилинишича, биргина Сурхондарё вилоятида аҳолини суюлтирилган газ баллонлари билан таъминлаш даражаси белгиланган нормадан ҳам ортиб кетган. Аммо депутатларнинг ушбу ҳудуддаги муаммоларни ўрганиш чоғида мурожаатчиларнинг деярли ярми айнан газ баллонлари етказиб берилишидаги камчиликлардан шикоят қилган. Назаримизда, вилоятни суюлтирилган газ баллони билан таъминлаш даражаси фақатгина битта уйни ҳисобга олиб белгиланиши нотўғри, албатта. Чунки, бир хонадонда икки ёки учта хўжалик яшайди. Улар учун ажратилган битта баллон эса борингки, уч-тўрт кунга етади, холос.

Эшитув якунида аҳолини суюлтирилган газ билан таъминлаш бўйича қилинаётган ишлар юзасидан билдирилган фикрлар парламент аъзолари томонидан фақатгина маълумот сифатида қабул қилинди.

Сир эмаски, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологияни асраш, яшиллик оламини кўпайтириш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Айнан «Ҳукумат соати» якунидан сўнг парламент аъзолари қатор қонун лойиҳаларини ҳам муҳокама қилди. Улар орасида кўриб чиқилган муҳим ҳужжат — «Турғун органик ифлослантирувчи моддалар ҳақидаги Стокгольм конвенциясини (2001 йил 22 май, Стокгольм) ратификация қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси қизғин муҳокамага сабаб бўлди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, «Турғун органик ифлослантирувчи моддалар ҳақида»ги конвенция 2001 йил 22 майда Стокгольм шаҳрида қабул қилинган ва 2004 йилдан кучга кирган. Ҳозирги кунда 182 та мамлакат конвенция иштирокчиси ҳисобланади. Етакчи давлатлардан АҚШ, Италия ва Исроил конвенцияни имзолаган бўлса-да, ратификация қилмаган. МДҲ давлатларидан фақат Ўзбекистон ва Туркманистон ушбу конвенцияга қўшилмаган.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган ушбу қонун лойиҳаси мажбурий характерга эга, аҳоли саломатлиги ва атроф-муҳитни турғун органик ифлослантирувчи моддалардан муҳофазалаш мақсадида уларни кескин қисқартиришга, ташланмаларини тўхтатишга ҳамда одам организмида ва экотизимларда қайта тиклаб бўлмас ўзгаришларга олиб келувчи 12 та хавфли бирикма (кейинги тўлдиришлар ҳисобга олган ҳолда 26 та модда) ишлаб чиқарилишини, ишлатилишини чегаралаш ёки тақиқлашга йўналтирилган конвенцияни ратификация қилишни назарда тутади.

Депутатларнинг қайд этишича, конвенцияни ратификация қилиш Ўзбекистон Республикасига турғун органик ифлослантирувчи моддалар билан боғлиқ экологик ҳолатнинг яхшиланиши, аҳоли, атроф-муҳит, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига етказилиши мумкин бўлган салбий оқибатларни бартараф этишга ёрдам беради.

Бироқ жойларда аҳолига суюлтирилган газ баллонларини етказиб беришдаги муаммолар юқоридаги ҳужжатни изчил ҳаётга татбиқ этишга тўсқинлик қилади. Чунки, ўтган йиллар давомида аҳоли томонидан, айниқса, қиш мавсумида хўжалик эҳтиёжлари учун минглаб дарахтлар кесилган. Неча гектар майдондаги тутзорлар йўқ бўлиб кетмоқда. Бунинг сабаби эса одамлар уйларидаги иситиш печлари айнан газга мослашган. Газ етказиб беришда камчиликлар бор экан, улар дарахт ва буталарни кесиб, ўтин сифатида фойдаланаверади. Шу боис юқоридаги каби ҳужжатлар ҳам, амалий чоралар ҳам, хуллас, экологияни асраш ҳақидаги баландпарвоз гаплар қоғозда қолиб кетаверади.

Хайрулло АСТАНАҚУЛОВ,
«Жамият» мухбири

Маънавият

«Инсон қалбидаги илоҳий нур»

Маънавиятга интилиш руҳ ва ақл эгаси бўлмиш одамзоднинг асосий фазилати. «Инсон – барча мавжудотларнинг гултожи», дея муқаддас китобларда таърифланишининг сабаби ҳам унда юксак маънавият эгаси бўла олиш имкониятининг борлигидир.

Маънавият инсон қалбида яшайди. Шу маънода инсон қалбидаги илоҳий нур саналади. У инсоний фазилатлар билан бир қаторда қадриятларни ҳам қамраб олади. Инсон маънавияти билан ҳайвондан, жамият эса табиатдан фарқланиб туради.

Аждодлар ўтити, панд-насиҳатлари миллий маънавий меросимиз асоси ва таълим-тарбиянинг ўзаги экани ботбот айтилган. Ота-боболаримиз асрлар давомида диний, ахлоқий, илмий, адабий соҳаларда жуда кўп тарихий бойликларни мерос қолдирган. Хоразм воҳаси ҳудудида яратилган «Авесто» китоби бебаҳо маънавий обида сифатида дунё миқёсида алоҳида ўрин тутади. Чунки у фақат эзгуликни тараннум этади. Уч бирлик бўлмиш – эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал унинг асосий мазмунини ташкил қилганининг ўзиёқ, кимларнинг авлоди эканимиздан далолат.

Ўзбекистон юксак маънавият соҳиблари юртидир. Бу ҳақиқатни ҳеч ким инкор эта олмайди. Биз ўз Ватанининг ҳимояси учун жонини аямаган, туну кун изланиб, қомусий билимларни эгаллаган ва бор бисотини сарфлаб, халқни маърифатли қилишга интилган улуғ зотларнинг, буюк сиймоларнинг зурриётларимиз.

Ўз даврида буюк мутафаккир бобомиз Абу Наср ал-Форобий: «Маънавиятнинг икки асосий сифати бор: Ё ўзингники бўлади, ё бировники. Бировнинг ўз маънавиятини тиқиштириб, сенинг маънавиятингга таҳдид солиши фақат битта мақсадни – сенинг маънавиятингни йўққа чиқаришни кўзлайди. Ҳар қандай жамият учун маънавият борасида иккита вазифа устувор бўлишини: биринчидан, ўз маънавиятини мудом такомиллаштириш, иккинчидан, уни ўзга маънавият тажовузидан асрай билишни таъкидлайди», деган эди. Ана шу фикрлар бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Шу сабабли биз педагоглар ёш авлодга таълим-тарбия бераётганимизда маънавият соҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратишимиз зарур. Шундагина биз кўп асрлик тарихга эга миллий маънавиятимизни ва ўзлигимизни сақлаб қоламиз.

Т.БУРХОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академиясининг «Гуманитар фанлар» кафедраси ўқитувчиси

ҚИСҚА САТРЛАРДА ЎҚИНГ!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 март куни Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Россия ҳукуматлараро комиссияси ҳамраиси, Россия Федерацияси иқтисодий ривожланиш вазири Максим Орешкинни қабул қилди.

ҚУРУҚ ГАП ҚУЛОҚҚА ЁҚМАС

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар халқимиз онгу тафаккурини ўзгартирмоқда. Айниқса, оддий одамлар рўй бераётган янгиликларни бамисоли кўкракка шабада теккандек қабул қилишяпти. Янгича қараш, ҳар қадамда инсон манфаатини кўзлаш дилларга малҳамдек ёқиб тушмоқда. Фақат битта истиҳола: ислоҳотлардан мамнун бўлиш билан чегараланмай, уларга ҳар биримиз дахлдорлик туйғуси билан ёндашишимиз муҳимдир.

Хизмат юзасидан турли минтақаларда бўлиб, ҳаёт қандай кетаётганлиги билан танишар эканмиз, масала қанчалик масъулият касб этаётганига ишонамиз. Бу борада катта-кичик тоифадаги раҳбарлар зиммасидаги жавобгарлик нақадар муҳим эканига ишонч ҳосил қиламиз. Раҳбар зиммасида икки ҳисса масъулият юки мавжуд. Биринчидан, унинг ўзи замон талабларига ҳамоҳанг ишлаши, иккинчидан, ўзи билан бирга ишлаётган одамлар ҳам бугунги кунга «лаббай» деб жавоб бериши керак.

Амалдор деган зот шунчалик мураккаб шахс ҳисобланиб, унинг кўнглида мансаб курсисига доғ туширмай ишлаш, юқори идоралан гап эшитмаслик учун интилиш кучли бўлади. Уларнинг табиатида «Иш билгунча гап бил» қабилида ишлаш одатий ҳолга айланади. Шу маънода унинг гапида қайси рост, қайси ёлғон эканини ажратолмайсиз. Оқ кўйлакка галстук таққан зиёлинамо инсон сип-силлиқ сўзларни равон тилга олганда «Бу одам яхши ишлаяпти» деб хулоса қилиш ҳеч гап эмас.

Лекин замон талаби, халқ талаби амалий ишлар билан баҳоланади. Фараз қилайлик, Ғузор туманидаги «Ғалаба» маҳалласита бориб, бу ердаги аҳвол ҳақида сўрасангиз, раҳбарлар ҳудудда «Обод маҳалла» лойиҳаси жорий этилаётгани, халқ бу ишлардан рози эканлигини айтишлари мумкин. Ён-атрофга қарасангиз, аҳоли, қиш унча қаттиқ келмаса-да, совуқдан азобланаётгани, йўллар ўйдим-чуқур ҳолга келиб, мактаб ўқувчиларининг ўқишга қатнаши аянчли эканлиги намоён бўлади.

Халқимизда «Сирти ялтироқ, ичи қалтироқ» деган ибора бор. Ташқаридан баҳо олиш учун иморатнинг ташқи томонини чиройли қилиб қўйган одам аслида ўзини ўзи алдайди. Вобкент туманидаги Янгикент қишлоғига борсангиз, бир бино пештоқида «Ижтимоий дорихона» деган ёзувни кўрасиз. Четдан қараганда бу ерда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, соғлиқни сақлаш яхши йўлга қўйилган экан, деб ўйлайсиз. Ичкарига кирсангиз, хона шип-шийдам аҳволда. Шу ердаги қишлоқ врачлик пункти мудири Ҳалима Ғаффорова бу ҳолни изоҳлашга сўз тополмади.

Дастурхон тўкин, бозор пештахталари арзон ноз-неъматларга тўлиқ бўлиши томорқа хўжалигининг қай даражада эканлиги билан боғлиқ. Бу талабни ҳамма билса ва унга амал қилса, бундан аввало, ўзимиз манфаатдормиз. Қайси қишлоқ ёки маҳалла одамларининг тушунчаси, савияси қандайлигини ўша жойдаги томорқаларга қараб хулоса қилиш мумкин. Шундай ҳовлилар бор, баҳри-дилингизни очади. Унинг ёнгинасида гўё таққослаш учун қилингандай, яланг ерлар худди йиғлаётгандай. Қачон ҳамма жойда манзара бир хил тус олади? Қачонки, ҳар бир хонадон соҳиби бугунги кун талабини бирдай ҳис қилса.

Қизиқ, хонадон тасарруфидаги ерлардан баракали ҳосил олиш афзаллиги яққол кўриниб турибди-ку?! Озгина ҳафсала қилиб, томорқани яшнатиш инсонга чексиз завқ беради-ку. Энг муҳими, ўз заминимизда, маҳалламизда ибрат олса арзигулик мисоллар чет элда эмас, кўз олдимизда турибди-ку. Меҳнат туфайли даромадга эришиш, оила бюджетини тежаш, қолаверса, хонадонда болаларга ҳам ажойиб намуна-ку.

Баъзан эшитиб қоламиз. Айрим сектор раҳбарлари ўз ҳудудида «Ундоқ қиляпмиз, бундоқ қиляпмиз» деб мақтаниб қолишади. Тўхтанг, ўзингиз масъул бўлган жойда томорқалар қай аҳволда?» деб сўрасангиз, тили айланмай қолади. Уларга «Амалий ишдан гапиринг, аравани қуруқ олиб қочишдан нима наф?» дегингиз келади. Бундай гапдонларга нисбатан халқимиз «Оғзакидан беш» деган таърифни айтишади.

«Нуроний» жамғармаси Сирдарё вилоят бўлими раҳбари Ўтбосар Абдиев Президент ташрифидан сўнг воҳада қилинаётган амалий ишлар ҳақида гапириб берди. Вилоятнинг бир гуруҳ фаоллари «Томорқадан фойдаланиш бўйича долзарб 20 кун» мавзусида Сирдарё аҳлига мурожаат билан чиқишибди. «Дўппини бошдан олиб, бир мулоҳаза қилиб кўрайлик-чи, нега Президентимиз ердан, хусусан, томорқадан оқилона фойдаланиш ҳақида бот-бот сўз юритяпти? — дейилади Мурожаатда. — Аввало, сизу бизнинг бугунгидан-да тўқ ҳамда фаровон яшашимизни истаяпти? Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаб, хориж маҳсулотларига кўз тикмасдан, балки экспортни кўпайтириш, даромадни оширишни, одамларимизнинг бугунидан рози бўлиб ҳаёт кечиришини хоҳлаяпти.

Биласиз, ушбу мавсум ўта тиғиз пайт саналади. Ниҳол қадаш, уруғ сепиш ишлари узоғи билан ўттиз кундан ошмайди. Шу вақт ичида экканнинг, ўлгурганнинг ошиғи олчи бўлади. Акси бўлса, қуруқ қўл билан қолаверасан. Ернинг умрини зое кетказасан. «Тома-тома кўл бўлур», деганларидек, тоғдек барака хирмонлари ҳам мисқоллардан яралади.

Бироқ кўплаб юртдошларимиз, сув таъминотида муаммоси бўлмаса-да, унумдор ерларини ўз ҳолига ташлаб қўйишгани, айримлари эса мўмай даромад манбаини бедапояга айлантириб қўйишганини қандай изоҳлаш мумкин?! Ваҳоланки, аҳоли ихтиёридаги 8-10 сотихлик томорқаларининг қуриб-қақшаб ётиши боқибеғамлик, лоқайдлик намунасидир».

Ташаббускорлар саъй-ҳаракати билан Сирдарё вилоятида деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сотишда амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида «Томорқа хизмати» МЧЖлар ташкил этилди.

Ушбу ташкилот фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига шартнома асосида зарур модлий ресурслар, шу жумладан, уруғ, кўчат, идишлар, техника ва бошқа воситалар етказиб бериш, етиштирилган маҳсулотлар ва дала неъматларини ички ҳамда ташқи бозорларда сотиш, шу жумладан, уларни тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш хизматларини кўрсатади.

Тижорат банклари ёрдамчи деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига 6 ойлик имтиёз билан 3 йил муддатга 7 фоиз ставкада кредит берилади.

Президентимиз инсон яхши яшаши учун уй-жойи бўлса, иши тайин бўлса, бошқа ҳеч нарса керак эмас, деганлари нақадар ҳақиқат. Баъзан қишлоқ жойларда ишсиз юрган йигитлар дарвозаси олдидаги тўнкага ўтириб, маҳалладаги қўни-қўшнилар билан «Бекордан Худо безор» деганларидек, ғийбат қилиб ўтиришлари хунук кўринади. Мен ундай давраларни кузатганман. Бояги бекорчихўжалар ўтганнинг ўроғини, кетганнинг кетмонини олиб қолишга уринади. Албатта, қуруқ гап қулоққа ёқмайди. Уларни «Тўнкага ўтирган тўнкалар» дегинг келади. Беҳуда лақиллаб умрини ўтказаётган бу такасалтанглар ўз томорқасини обод қилишга вақт топишолмайди.

Тўғри, гап билан вазиятдан чиқиб кетаётган амалдорлар ҳар қадамда учрайди. Савол туғилади: амалий иш билан эл манфаати учун ҳаракат қилаётган юртдошларимиз борми? Уларни таништиринг, бошқалар ибрат олсин. Бундай танти, юртпарвар инсонлар жуда кўп. Улардан бири таниқли журналист Асад Асилов Бўстонлиқ туманининг Хондайлиқ қишлоғида яшайди. Эл-юрт назаридаги бу инсон табиат муҳофазаси, қишлоқлар ободлигини таъминлашда миллий қадриятларимизни асраш мавзуларида туркум мақолалар, қатор китоблар ёзди. Етмиш беш ёшга кирган ижодкор пенсияга чиққандан сўнг бир неча йил ўз маҳалласида оқсоқоллик қилиб, туман маҳалла раислари ичида ҳар жиҳатдан намуна бўлиб келди.

— Одам гапирганда ишонч билан сўзлаши керак, — дейди у қатъият билан. — Бунинг учун ҳар бир раҳбарнинг орқаси тоза бўлиши зарур. Ҳозир гапдонлар кўпайиб кетди. Мен уларни эшитганда «Ишқилиб, гапи чин юракдан бўлсин-да» деган хаёлга бораман.

Асад ака эртадан-кечгача тиним билмайди. Ҳузурига келган одамларни тинглайди, ўз фикрини баён қилади. Эл-юртга намуна бўлаётган юртдошлари ҳақида таъсирчан мақолалар ёзади. Рўй бераётган ислоҳотлардан бениҳоя хурсанд бўлиб, ана шу ҳаракатни бўшаштирмаслигимиз керак, деб таъкидлайди.

— Сиз ислоҳотлар ҳаётий зарурат эканлигини қачон ҳис қилдингиз? — сўраймиз суҳбатдошимиздан.

— Айниқса, Президентимиз вилоятларда бунёдкорлик ишлари билан танишганлари, халқ билан мулоқот қилгани ҳақидаги махсус кўрсатувларни юрагим ёниб кузатаман. Давлатимиз раҳбари ислоҳотлар самарасини кўрганда мамнун бўлади. Бундан буён қандай ишлаш кераклиги ҳақида вазифа қўйганида ён дафтаримга ёзиб оламан. Сўнгра одамлар билан гаплашганда ўша фикрлар бўйича сўровнома ўтказаман. Ишонасизми, халқ ҳар қандай ўзгаришга муносабат билдиради.

Кўпни кўрган донишманд инсонларнинг айтишича, Юртбошимиз қаерга ташриф буюрмасин, ўша жойнинг аҳолиси келажакка ишонч руҳида илҳомланмоқда. Жойларда айтилган пурҳикмат гаплар эл оғзида ажиб кўтаринкилик билан янграмоқда. Айтайлик, Жиззах вилоятида 2019 йил Жиззахда юксалиш йили бўлиши, Сирдарё вилоятида — бу ердаги ишга муносабат бутун Ўзбекистонга намуна эканлиги, Наманган вилоятида — ушбу заминни тамомила ўзгартиришга бел боғлангани Президент томонидан эътироф этилгани бутун мамлакатимиздаги ватанпарвар инсонларнинг кайфиятини кўтариб юборди.

Жойларда йўл қўйилаётган камчиликларни таҳлил қилиш ва тадбирий чора кўришда Халқ қабулхоналари ва ишчи гуруҳлари мақбул фаолият кўрсатишяпти. Яъни нима сабабдан томорқа ерлари ҳувиллаб ётгани ҳақидаги саволни кўндаланг қўйиш билан чегаланмасдан тезда техника воситалари сафарбар этилиб, камчиликлар бартараф этилмоқда. Фақат ана шу мутасаддиларга битта мулоҳазамиз бор. Айрим фаоллар ортиқча статистикага берилишяпти: айтишларича, якунланган йилда аввалги йилга нисбатан ариза ва шикоятлар сони камайган эмиш. Ҳаётга кенг қамровда назар ташласангиз, бу кўрсаткич фаолият мезони бўла олмайди. Мурожаатларнинг камайгани муаммолар ҳал бўлганини англатмайди. Президентимиз қўяётган талаб ўша муаммоларни мутасаддилар ўзлари аниқлаб, эътибор ҳаволни ўнглашга қаратилиши керак.

Жойларда амалга оширилаётган ўзгаришлар, янгиланишлар халқнинг кайфиятига ижобий таъсир ўтказмоқда. Лекин Президентимиз «Бу — бошланиши, холос» демоқда. Шундай экан, ортиқча ҳамду саноларга берилмасдан ҳар бир фуқаро амалий ҳаракатлар билан Ватанимиз минтақада, Ер юзида ўзини кўрсатиши учун ҳиссамизни қўшишимиз лозим. Шундай эзгу ният, аҳду паймон билан келажак сари дадил олга бораверамиз.

Шуҳрат ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

Нукусда илк Президент мактаби қурилиши бошланди. Янги мактаб Бердақ номидаги қорақалпоқ давлат университети олдидаги ҳудудда қурилади.

«Сенсан севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма...»

Ана шундай юракка жуда яқин мисралар билан бошланувчи ғазални кўпчилигимиз яхши биламиз. У гоҳ шеър сифатида, гоҳ қўшиқ сифатида шууримизга кириб борган.

«Сенсен севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма...» — ишқ иқрори ва иқрорнинг гўзал изҳори бу. Изҳорки, дарахтнинг гуллашидай оддий. Баҳор жилғасининг чопишидай табиий. Олам уйғонмасдан уйғониб ва кўз очмай-очиб куй бошлаган қушнинг нағмасидай латиф. Ва айни пайтда шуларнинг барчаси қадар сир-синоатли.

Оддийлиги шундаки, кундалик сўзлашувдаги каби мураккаб мажозу ифодалардан холи. Табиийлиги шундаки, кўнгилнинг тоғ қорликларидай баланд ва тоза ерларидан оқиб чиққан. Латифлиги эса ҳазажнинг равон вазнларидан бирида ёзилган. Синоати — оддий кўринса-да, қалбда дарҳол шиддатли тўлқин пайдо қилади, руҳиятни гирдобдай ўраб олади.

Аслида ўнлаб маънодош сўзлар ичидан айнан «севарим»ни топиш ва танлашда илоҳийлик бор, шоирлик бор. Негаки, бу топиш ва танлаш жилд-жилд китобларни узоқ муддат титкилаш натижаси эмас, савқи табиий ҳосиласидир. Шу туркий «севарим»нинг ўзида унча-мунча шоир эриша олмайдиган бадиият бор.

«Сенсан севарим...» — ошиқнинг ҳоллари ҳақидаги ғазалдир. Ишқ иқрори ва изҳоридан сўнг ошиқ ўз севгисининг чинлигига ишонтириш учун аҳволини бир-бир баён этиши, ўз забун аҳволига ҳам иқрор бўлиши табиий. Бу ҳоллар шундай:

Ҳижрон кечаси чархи фалакка етар, эй моҳ,
Оҳи саҳарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Яъни маҳбуба ойдай гўзал ва ойдай қўл етмас юксакда. Унга етиш имкондан ташқари. Бу айрилиқ сабаб ошиқ тонггача шундай оҳлар тортадики, у оҳлар юксакка ўрлаб, фалак чархига қўшилиб айлана бошлайди. Чархи фалак айланишда экан, демак, ошиқнинг оҳлари ҳам барҳаётдир.

Ҳаққоки қилич келса бошимга, эшикингдин
Йўқдур гузарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

«Ҳаққоки» — арабча сўз, «ҳақиқатда» демакдир. «Ҳаққоки қилич келса бошимга» — яъни: ҳақиқатни айтганда бошимга қилич келса... Қандай ҳақиқатни, дейишга ўрин йўқ. Шубҳасиз, ишқ ҳақиқатини. Ўз севгисини изҳор қилгани, ошкор қилгани учун ошиқнинг бошига ўлим келса ҳам, у яна ва яна ёр сари талпинаверади. Унинг учун ёр остонасига олиб борадиган йўлдан бошқа йўл йўқ.

Ҳақиқатни айтиш жамиятнинг каттаю кичик барча миқёсларида кўпинча хатарлидир — ўрта аср шоири ҳаётнинг мана шу эски қоидасини инжа бир шаклда ишқ мавзусига уйғунлаштирган. Аслида ижтимоий нуқтаи назарларни ишқ мавзуси ичида айтиб ўтиш мумтоз адабиётимизнинг хос усулидир. Кўзга глобал муаммо сифатида ташланмаса-да, инсонлик жамиятини сездирмай ичдан емирадиган шу хил ижтимоий-психологик воқеликларни шоён кўрсатгани билан ҳам кўнгилга беҳад яқин бу ғазал.

Усрук кўзунг ашколнна ҳар гаҳ назар этсам,
Қолмас хабарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

«Усрук» — луғатда «маст» дегани бўлса ҳам, мумтоз адабиётимизда ёр кўзининг гўзаллигига, сузуклигига, нозига ишора қилади. Демак, ёр кўзининг ашкол (сурат)ига гоҳида назар солиш ҳам лирик қаҳрамоннинг хаёлини, жисму жонини остин-устун қилади. У ўзиниям, дунёларниям унутади. Кейинги байтда шоир яна кўзлан сўзлайди — энди ўз кўзидан ва Яъқуб алайҳиссаломнинг суюкли, соҳибжамол фарзанд қайғусидаги сўқирлик қисматига ўхшаш ўз қисматидан сўзлайди:

«Яъқуб бикин кўп йиғидин қолмади сенсиз,
Нури басарим, хоҳ инон, хоҳ инонма».

Аслида ғазалдаги тортиш қувватининг маркази «хоҳ инон, хоҳ инонма» радифида, десак-да, бўлади. Радиф учун танланган жумла анча катта, айни пайтда қуймалигидан ўзгартириб ҳам бўлмайди. Шундан уни аруз истеъмолига тортиш ҳам осон кечмаган. Аммо халқона бу иборанинг жозибаси, жодуси шу қадар кучлики, шу қадар беназирки, худди қасамдек муқташам жаранглайди. Айнан шу «хоҳ инон, хоҳ инонма» кўнгилни узлуксиз тебранишда сақлаб туради. Ғазал системасининг қолган барча бўлаклари қуёш атрофидаги сайёралардек Мавлоно Лутфийнинг мана шу туркона қасами атрофида айланади.

Ой юзунга кўз солгали, ўзга киши бирла
Йўқтур назарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

«-гали» эски ўзбек тилида «-гач, -гандан кейин» демак. Яъни ёрнинг ойдек юзини бир кўргандан ва унга мубтало бўлгандан кейин ўзга дилдорлар ила иши бўлармиди ошиқнинг? Албатта, йўқ. Шу асно хотирга беихтиёр ҳазрат Навоийнинг ҳам қасамдай жаранглайдиган салобатли мисраси келади:

«Ўзгалар ҳуснин тамошо айласам, чиқсун кўзум...»

Аслида ошиқ ҳоллари баёнидан муддао — севикли ёр гўзаллиги ва муҳаббатнинг сеҳрли-илоҳий кучини эътироф этмоқдир. Бу, шубҳасиз, муаззам Шарқнинг аёлга ботин эҳтироми, унинг мартабасини қанчалар баланд қўйганини кўрсатиб туради



Мақтаъ ошиқ ҳоллари баёнига якун ясайди:

Ишқ ўтида Лутфий юзи олтунни ёшурди,
Эй сиймбарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Маълумки, олтинни бошқа унсурлардан ажратиш учун оловда ишлов берилади. Хаста ошиқнинг иддаосича, унинг чеҳраси шу даражада сарғайганки, ўт воситасида ҳам асл олтинни ундан ажратиб бўлмайди. Шу даражада! Ишониш қийину, аммо «хоҳ инон, хоҳ инонма» деган қасам бор.

Хаёлий мушоира давом этади ва мақтаъ ҳам Алишер Навоийни ёдга солади:

«Олтин эзиниб-эриб куйган сайин холис бўлур, Не ажаб, сарғарса юз еткан сайин эмгак манга».

Жуда ажойиб! Демак, ўша давр олтин металлургиясида оловдан фойдаланишган. Шеър қаршисида жуда дағал бўриб кўринган бу ҳодисани аввал-бошлаб Лутфий, сўнг эса Навоий дақиқлик билан ғазал қошинига шундай ўрнаштирганларки, дунёнинг унча-мунча шоирлари бутун ижодларини шу икки байтга алиштирсалар арзийди.

Нодира АФОҚОВА,
филология фанлари доктори

Сингилнинг дуоси — она дуоси

Радиодан «Сингилларни йўқлаб туринг, кўнгил учун» деган қўшиқ янграяпти. Хаёлим ўз акаларимга кетади. Тўртта акам тўрт томонимдан менга шамол ҳам ўтказмай катта қилишган. Ака дегани тоғ дегани экан. Бу сўзнинг ўзига ҳам суяниш мумкин экан. Энг қийин вазиятларда «ялт» этиб аканг хаёлингга келади. Акамга айтишим билан муаммоларим бартараф бўладигандек, рақам тераман. Бахтли кунларимда ҳам «Ака, суюнчи беринг!» деб гап бошлайман.

Аслида ака-сингил муносабатлари бизда қадрият ҳисобланади. Ака отадан кейин ҳурмати баланд турадиган оила аъзоси. Сингил она сингари муштипар.

Ривожт қилишларича буғдой экилган далани босиб ўтиш нонни босгандек увол саналаркан. Фақатгина синглисини кўргани кетаётган ака бугдойзорни босиб ўтиши мумкин экан. Бу гап қанчалар ҳақиқатга яқин билмадик. Лекин сингиллар ҳамиша эътибор ва эъзозда бўлиши кераклиги аниқ.

Бир куни уйимизга Норбиби аммам меҳмонга келди. Акамдан ҳол-аҳвол сўраб, қизининг тўйидан гап очди. Акам:

— Қизим рози бўлмаяпти. Совчиларнинг кети узилмаяпти, — дейди.

— Мен ҳам ёшлигимда совчиларни кўп қайтарганман. Мана жеззангга акам бир шапалоқ уриб кўндирган...

Суҳбатни эшитиб отам гапга қўшилади:

— Норбиби, мени ҳалиям кечирмаганмисан?

— Йўқ, ака, сиздан мингдан минг розиман. Мана, бахтли яшадик. Фарзандлар ўстириб, элга қўшдик. Неваралар катта бўляпти.

— Кечирмасанг, мен ҳам ўзимни кечирмасдим. Ахир, сингилларнинг дуоси она дуосидай, норозилиги онанинг норозилигига тенг.

— Баъзида ич-ичимдан сизга раҳмат айтаман. Ёш бўлган эканман, турмуш нималигини қаердан билибман. Энди ўйлаб қарасам, тақдирим йўлида воситачи бўлган экансиз...

Бу суҳбатни тинглаб ўтириб, жигарчилик ҳақида ўйлаб кетаман. Иккинчи жаҳон урушида эри ҳалок бўлиб, фарзандлари эрта нобуд бўлган Ойхумор аммамиз (отамга амма бўларди) биз билан яшарди. Баъзида фарзандларининг номларини айтиб, узоқ йиғлар эди. Улар ҳақига тинмай дуо қиларди. Шу амманинг акаси Нарзиқул бобо (раҳматли) ҳассасини дўқиллатиб, қишли-қировли кунларда ҳам йўқлаб келарди. Аммадан ҳол сўраб:

— Тушимга кирдинг, тинчмисан? — деб айтарди.

— Тушингизга кирмасам келармидингиз? — дерди амма ҳам.

Бу бизга ғалати туюларди. Баъзан аммани уйига олиб кетар, икки-уч кунда қайтариб олиб келар эди. Яқинда сингилимнинг турмуш ўртоғи тўсатдан қазо қилди. Сингилим тўрт боласи билан жовдираб қолди. Кунда кунора қўнғироқ қилиб хабар оламан.

— Шукр, яхшиман, — дейди у. — Катта акам болаларга маҳалладан пул чиққан экан, обкеб берди.

Бошқа куни қўнғироқ қилсам:

— Қудуғимиз сув бермай қўйганди. Акбар акам янги қудуқ қаздириб беряпти. Уста бор...

...Анвар акам байрамга болаларимга совға ташлаб кетибди...

...Асли акам хабар олиб кетди...

...Укам бир қоп ун ташлаб кетди...

Жигарларнинг борига шукр. Синиқ кўнгилнинг чегачилари...

Акаларим меҳмонга келса, уйимиз тўлиб кетади. Фарзандларимга-ку кун туғади. Бировининг дарсини тайёрлаган, бировини от бўлиб миндириб юрган бўлади ишдан борсам. Кичкинам қулоғимга шивирлайди: «Тоғам балиқ пишириб берди...»

Меҳрнинг адоғи бормикан? Энг қизиғи, жигарчиликни ҳеч ким ўргатмайди. У инсонда табиий шаклланади. Аввал ота-она меҳрини қизғониб ётсираб қараганинг, кундан-кун, ойдан-ой, йилдан-йил жонингга туташиб бораверади. Бағрибутунликка нима етсин. «Ака!» деб гап бошлашнинг қанчалар завқи ва меҳри бор. Ҳар куни бири бўлмаса, бири қўнғироқ қилади. Қанотларим чиқиб учиб кетаётганга ўхшайман. «Омонмисан?» Омон бўламан-да, меҳрингизнинг тафти кичкина қутидан чиқиб борлиғимни меҳрга буркаса!

Кичкиналигимда туфлимнинг боғичини ўтказиб қўйган акам, энди мен туфлингизни ялтиратиб қўяй! Болалигимда елкасида кўтарган акам, катта бўлиб болаларингизни елкамда катта қилай! Мени ҳаммадан ҳимоя қилган акам, мен сизни дуоларимда барча ёмонликлардан ҳимоя қилай! Ҳамма қизларнинг акаси ҳақидаги кечинмалари шундай бўлади.

Бир куни уйга қайинсинглим Зебо опа келди. Шу куни турмуш ўртоғим вақти чоғ бўлиб ишдан қайтди. Олти ойдан бери юришмаётган иши ҳал бўлибди. Шунда онамнинг «Қиз бола тиловдош бўлади», деган гапи хаёлимга келди. Йўл-йўлакай акаси ҳақига дуо қилиб келгандир, қиз бечора. Шундай, қиз бола бировнинг хасми. Бировнинг қўлига ўтгунича акалар учун хавотир ва ҳадик эди у. Энди эса акам омонмикан деган ҳадик сингил қалбига кўчган.

Оналар қаторида эъзозга муносиб опа ва сингиллар акалар учун бор бўлсин! Отадек рутбаси баланд акалар сингиллар бахтига омон бўлишсин!

Кимнинг сингиси бўлса, бой экан! Кимнинг акаси бўлса, бадавлат экан! Сингилларингизни йўқлашни унутманг, акангиздан хабар олинг!

Манзура ШАМС

КИСКА САТРЛАРДА ЎҚИНГ!

Ўзбекистонда Буюк Ипак йўли бўйлаб биринчи ҳаво шари экспедицияси ўтказилди.

Ҳимматни миннат қилманг!

Ўзаро суҳбатларда, ҳамма нарса муҳайё бўлиб, оддийгина бир нарса етишмаса ҳам «Бир кам дунё-да!» деган гапни кўп ишлатамиз. Қўш қаватли уйи, ўнлаб савдо дўкони, машиналари бор кишилар билан ҳамсуҳбат бўлганимда ҳам, уларнинг мана шу сўзни оғриниб айтганини эшитганман. Эгнида жулдур кийим, еб-ичиши оддий сув-у, бир бурда нондан иборат одамлар даврасида эса бу гап кам айтилади. Бундайлар аксарият ҳолларда «Ўзингга шукр» дея ўтаётган куни, олаётган нафаси учун мамнун бўлиб юради. Келинг, биз биринчи тоифа, яъни бадавлат бўлса ҳам, ҳар доим ҳаётдан нолийдиганлар ҳақида тўхталайлик.



Имом Ғаззолий айтадиларки, агар сенга мол-дунё оқиб келаётган бўлса, билгилки, у билан бирга ғам-андуҳлар ҳам келаётир. Ҳазратнинг бу сўзлари кенгроқ қаралганда асл моҳияти теранлашади. Яъни, пулдор одам етим-есирларга, бева-бечораларга қанча кўп ёрдам берса, унга ажру мукофот ёзилади. Берган молини миннат қилганда эса бир гуноҳи устига яна гуноҳ қўшилиши ҳақида ривояту ҳадислар бор. Демак, Ғаззолий айтган ғам-андуҳ айни шу чоғда — берилган кўмак миннат қилинган пайтдан бошлаб келади. Сизу биз бугун кўриб турибмизки, ёнгинамизда, девор-дармиён қўшниларимиз бойга айланяпти. Ишбилармонлиги туфайли даромади ошиб бораётганлар, Яратганга шукрки, ҳар қадамда учрайди. Аммо бундайларнинг аксарияти кам таъминланган оилалардан хабар олмайди. Хабар олса-да, орқаворотдан миннат қилишни бошлайди. Бундайлар ўз ҳимматини энли экран ёки радио ва газета орқали пеш қилаётир. Мен фалончининг ўғлини даволатдим, писмадончининг тўйига бунча ёрдам бердим, дейдиганлар, афсуски, орамизда бор. Уларнинг ҳимматидан кўра, миннати ошиб боряпти экан, демак, қалбнинг кўрлиги, иймоннинг сустлиги шудир. Машойихлар бундайларга қарата: «Чап қўлинг берганини ўнг қўлинг билмасин» дейишганки, бу нақлни бир умр ёдимизда сақласак, айни муддао бўлар эди.

Бу дунёга келмоқ бор экан, кетмоқ ҳам аниқ. Мана, дунё яралибдики, шу пайтга қадар ҳали ҳеч бир банда, ҳеч бир валий, ҳеч бир набий гўрдан қайтиб келмади. Одам боласи бу дунёда тонналаб бойлик тўпласа ҳам, бир қатрасини, ҳа-ҳа, бир қатрасини ҳам олиб кетишга қодир эмас. Шундай экан, ҳар нарсага қодир Зот берган бойликдан мискинларни ҳам кўнглини овламоқ савоби қанчалар улуғ бўлса, унинг ортидан ғапириш шунчалик гуноҳ ҳамдир.

Шу ўринда ўзим гувоҳи бўлган бир манзарани баён этсам. Юртимизнинг таниқли кишиларидан бирининг уйига иш юзасидан борган эдим. Айтишим керакки, у одамни ҳамма жуда ҳурмат қилади. Хуллас, ҳашаматли иморатга кириб, ишларимни битиргач, ортга қайтдим. Кўча дарвозасидан уч-тўрт қадам нари юрарканман, ўша хонадон томон йўналган бир ўспиринга кўзим тушди. Йигитчанинг бошига катта ташвиш тушгани, ниҳоятда изтироб чекаётгани юз-кўзларидан маълум эди. У мен ҳозиргина чиққан уйнинг кўнгироғини босди-да, ёрдамга муҳтожлигини билдирди. Шунда ичкаридан қаттиқ дашном эшитилди. Хонадон соҳибини олийҳиммат деб эшитган боланинг юрагини чил-чил синдирди бу ўшанда. Мен бу ҳолатнинг бевосита гувоҳига айланган эдим. Юрагимда йигитчага ачиниш ва хонадон эгасидан нафратланиш ҳисси пайдо бўлди. Шундан бери у ерга қадам босмайдиган бўлдим. Ўша «ҳотамтой»дан бутунлай кўнглим қолди. Негаки, у давраларда бошқаларга насиҳат қилади, панд ўқийди. Уйида эса хотинига ҳисоб берадиган бу соҳиби ҳимматнинг бир мискинга бўлган муносабатини қаранг-а! Ахир, халқимизда етти марта келса ҳам садақа сўраганни қайтарма, деган гап бор. Тўғри, тиланчилар ҳар хил бўлади. Лекин мен кўрган йигитча тиланчи эмас эди. У ҳам Худонинг бир бандаси эди. Бошига мушкул иш тушгани боис кўпчилик қадрлайдиган одамнинг остонасига қадам қўйганди холос. Оқибат эса... Эсиз қадр, эсиз ҳурмат, эсиз обрў!..

Мен бу билан ҳамма давлатмандлар ҳам шунақа қурумсоқ демоқчи эмасман. Борини бошқалар билан баҳам кўрадиган, икки сўм топса, бир сўмини эҳсон қиладиганлар ҳам кўп. Шундайлардан бири билан суҳбатлашиб, сўрадим: «Нима учун сиз ҳаммага яхшилик қиласиз?» У эса ибратомуз жавоб қилди: «Муҳтожликда юрган кезларим манаман деган бойвачча танишларим ҳам менга умуман ёрдам бермасди. Мана, ҳозир, Яратганга шукр, ишларим яхши, топиш-тутишим жойида. Шукрона йўлида мен ҳеч кимдан, ҳеч нарсани аямайман!»

Қандай гўзал фикр! Шундоқ тафаккур ила ўзгаларга яхшилик қилмоқ ҳаммамизга насиб этсин.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ

«Сичқон»

— Энди навбат эстрадамизнинг ёрқин юлдузларидан бири, сиз севган хонанда Ҳошимжон Кенжаевга, — деб эълон қилди даврабоши. — Марҳамат, Ҳошимжон!

Улкан тўйхона гувиллаб кетди. Кимдир қарсак чалди, кимдир ҳуштак, кимдир ширакайф тўнғиллади. Семизгина йигит белларини мусиқага мос ликиллатганча саҳнага чиқиб келди. Оқ кроссовка, жинси шим, қора свитер кийган «ёрқин юлдуз» ўтирганларга кибрли бир табассум ҳадя қилиб, куйлашга тушди:

Машҳуражон, Машҳура,
Исминг бунча машҳур, а?..

— Шу ҳам ўзини хонандаман, санъаткорман деб ҳисоблайди-да, а, Жамшид Маъдиевич? — деди «Зуҳур» компаниясининг бўлим мудири. — Туядай бўй берган худойим данакдай ақл билан озгина овозни дариғ тутган экан-да. Сичқондай чийиллашини қаранг...

Мудирнинг ёнида ўтирган бош мутахассис Болта Жўраев бошқарма бошлиғига қаради. Навбатдаги қадаҳни бўшатиб шўр бодринг чайнаётган Жамшид Маъдиевич тепакал бошини билинар-билинмас қимирлатиб қўйди. Унинг одати шунақа — бирор масалада фикрини очиқ айтмайди. Мажлисларда ҳам эчкига ўхшаб бошини ликиллатиб ўтираверади. Айтилган гапни маъқуллаётганини ҳам, рад этаётганини ҳам билиш қийин. Бирор илтимос қилсангиз, йўқ демайди. Лекин ҳал ҳам қилмайди.

Бундай пайтларда Болта Жўраевнинг «эски касали» қўзийди — қитмирлиги тутади. Шу ожизлиги сабаб кўп панд еган. Лекин, начора — қўндоқда теккан феъл.

Болта Жўраев маъноли йўталиб қўйди. Мудирнинг қоқсуяк тиззасига тиззаси билан секин туртди.

— А? — Капалаги учиб кетди мудирнинг. — Нима?

Болта Жўраев ўнг кафтини лабининг четига қўйиб, мудирнинг қулоғига шивирлади:

— Қўшиқ айтаётган йигит фалончиевнинг жияни-ку. Билмайсизми?

— Нима-а? — Мудирни ток ургандай бўлди, туриб кетди. — Нега аввалроқ айтмадингиз?

Мудир думалоқ стол атрофида ўтирганларга олазарак қаради. Ўн чоғли одамнинг ҳаммаси ўзи билан ўзи овора: кимдир овқат еган, кимдир суҳбатлашган, кимдир қулоқни қоматга келтираётган мусиқага мос бош ирғаб ўтирибди.

Хонанда иккинчи қўшиғини бошлади.

Мудир қўлига коньяк тўла биллур қадаҳни олди:

— Келинглар, ушбу қадаҳни соҳир овоз соҳиби, элимиз севган хонанда, ҳаммамизнинг яхши кўрган укахонимиз Ҳошимжон Кенжаевнинг соғлиғи учун ичайлик. Овозининг майинлиги, сўзларининг самимийлигию дилбарлигини қаранг!..

Дастурхон атрофидагилар ўрнидан туриб қадаҳ уриштирди.

Бошқарма бошлиғи Болта Жўраевга қараб кулиб қўйди: «Оббо, қитмир-ей!»

Мудир жойига ўтирар экан, Болта Жўраевнинг қулоғига шипшиди:

— Мени бир кунмас-бир кун тилимдан осишади, Болтажон, тилимдан! Раҳмат, ука, бир фалокатдан қутқардингиз!

Бу гаплардан Болта Жўраевга бешикда теккан касалнинг хуружи янада кучайди. У оғзини бу гал чап кафти билан ёпиб, мудирнинг қулоғига шивирлади:

— Лекин бечорага қийин бўпти.

— Кимга қийин бўпти?

— Ҳошимжоннинг тоғасига-да. Айтишларича, ҳозир терговга қатнаб юрган эмиш?

— Йўғ-е? Ростданми? — Мудирнинг юзлари ёришиб кетди.

— Ҳа. Кеча эшитдим.

— Лекин ўзи — бадфъел одам, — юзини буриштирди мудир. — Ўғил бола тоғасига тортади, деган гап тўғри. Манави сичқоннинг чийиллашини қаранг!..

Қулман ОЧИЛ

Ўзбекистонда ҳаж квотаси 2020 йилдан босқичма-босқич ошириб борилади.

«Доирадан ташқари» қишлоқ

Одатда, қишлоқда яшайдиган одамлар шаҳардагиларга ҳавас қилади. Чунки, уларга маза. Чироқ ўчмайди, газ узилмайди. Иссиқ-совуқ сув — ҳаммаси муҳайё. Фақат пул бўлса бас.

Шаҳарликлар ичида ҳам ёзнинг саратонида каталакдек хонада диққинафас бўлганидан, қишлоқнинг хуш ҳавосидан симириб, кенг, томорқаси мўл ҳовлиларда яшашни орзу қиладиганлар топилади.

Бироқ қишлоқдаги шароитларга улар кўникишига ҳеч қандай кафил йўқ. Боиси на газ, на чироқ бўлмаса. Иссиқ ва совуқ сувни гапирмаса ҳам бўлади. Айниқса, қишнинг қировли кунларида йўлларда юриб бўлмай қолади. Мақолани ўқиб бу қайси қишлоқ экан, деган савол пайдо бўлгандир. Тўғри, юқоридаги муаммолар балки сизнинг қишлоғингизга тегишли эмасдир. Ёки аксинча ўз қишлоғингиз манзараларини кўргандай бўлгандирсиз.

Ғозовот — Хоразм вилоятининг Қўшкўпир туманидаги аҳолиси кўп, ҳудуди катта, қадимий қишлоқлардан ҳисобланади. Бир томонда Туркманистон. Ҳудудда салкам 20 минг аҳоли истиқомат қилса, улар олтита маҳалла фуқаролар йиғинига бўлинган. Шунингдек, қишлоқда 6 та умумтаълим мактаби, битта касб-ҳунар коллежи, оилавий поликлиника, мактабгача таълим муассасаси мавжуд. Аҳоли тадбиркорлар томонидан қурилган иккита тўйхона, дўкон ва катта бозорга ҳам эга.

Ана шундай катта бир қишлоқ, афсуски, ҳар нарсанинг пойида жойлашган. Айниқса, деҳқончилик учун сув муаммо. Чунки қишлоқ келадиган сувнинг ҳам энг охири «оёғида» жойлашган. Қишлоқни тенг иккига бўлиб ўтган «Ғозовот» каналига бир кун сув келса, бир ой бўлмайди. Ўтган йилги сув танқислигидан «Пахтакор» маҳалласида жуда кўп майдонлардаги экинлар қуриб қолди. 300 нафар аҳолининг ҳар бирида 10 сотихдан томорқа бўлса, энди қанча гектар майдонда деҳқончилик қилинмаганини тасаввур қилаверинг. Қўшимча томорқаларини-ку умуман гапирмаса бўлади. Лекин ер солиқлари ўз вақтида ундириб олиняпти.

Ачинарлиси, қишлоқ электр токининг ҳам якуний қисмида жойлашган. Бу ерда чироқнинг тез-тез ўчиши одатий ҳол. Электр токи келса ҳам ўрнатилганига ярим асрдан ошган трансформаторлар уни тўлиқ етказиб беролмайди. Кичик бир босимга ҳам дош бермай, кунора ишдан чиқади. Аҳолидан пул йиғилиб, у тузатилади. Яқинда ёққан қордан сўнг қишлоқда икки-уч кун чироқ бўлмади. Айниқса, мактаб ва боғчадаги болажонларга анча жабр бўлди. Газку бор, аммо тақсимот масаласи чатоқ. Босим пастлигидан қишлоқдаги маҳаллаларга тўлиқ етиб бормайди. Газ босими сабаб айрим хонадонлар «газ сўргич»дан фойдаланади. Натижа эса ўзингизга маълум.

Бундан ташқари, ҳудуддаги маҳаллаларга тоза ичимлик суви ўтказилмаган. Бу муаммони ижобий ҳал қилиб берамиз, деган «катталар»нинг ваъдаси билан 2019 йилга ҳам етиб келдик. Энди бошқа жойларда бўлгани каби бу ерда ҳам йўллар масаласи оғриқли нуқталардан биридир. Ички йўлларни-ку айтмай қўяверинг. Хуллас, бу яқин йигирма беш йил ичида қишлоққа жиддий эътибор қаратилмаганидан далолат.

— Қишлоғимиз жуда қадимий элатлардан бўлиб, Янги Урганч билан тенгдош, — дейди фахрий ўқитувчи Рўзимбой ота Қурбонбоев. — Бир замонлар туман маркази сифатида фаолият юритган қишлоқ (1930-1940 йиллар) маданият ва маърифатнинг илк ўчоқларида бири бўлган. Бугун эса аҳвол тамомила ўзгача. Бошқа қишлоқлардаги шароитларни кўриб ҳавасинг келади. Турнақатор намунавий уйлар, текис йўллар. Нега энди шу ишлар бизнинг қишлоқда қилинмайди?

Отахоннинг куйинганича бор. Ахир Президентимиз томонидан қишлоқларимизни обод қилиш, унда яшаётган

аҳолининг дарду ҳасрати, муаммоларини ўрганиш ва унга ечим топиш учун секторлар фаолияти йўлга қўйилди. Наҳотки, сектор раҳбарлари зиммасига юкланган вазифага жиддий киришмаса?

Ғозоводда ҳеч қандай ишлаб чиқариш корхонаси йўқлигидан аҳолининг ишга яроқли тоифаси ишсиз. Тўғри, бу ерда кўпчилик тадбиркорлик билан шуғулланади. Бунда ҳеч бўлмаганда «Ғозовот» деҳқон бозорининг ишлаб турганини анча қўл келмоқда. Аммо бошқалар-чи? Ҳар бир хонадонда икки ёки уч нафар ишга яроқли аёл-у эркак бор.

— Эркакларимиз-ку эрта баҳордан то қиш киргунча четда ишлаб келишади, — дейди шу ерлик Лайло Бобожонова. — Уларнинг топгани билан қозон қайнатяпмиз. Аммо аёлларга ҳам доимий иш бўлса, қишлоғимизда ҳам тикувчилик, қандолатчилик цехлари очилса, жон деб ишлардик.

Қишлоқда бир пайтлар арзон гаровга сотиб олиниб, ҳозиргача фойдаланилмай ётган объектлар талайгина. Ана шу тайёр бинолардан тадбиркорлик учун ишлатилганида борми ҳам ўша бино эгаси, ҳам аҳоли фойда кўрган бўларди. Афсуски, баъзи бинолар 25 йилдан буён ҳеч кимга фойда бермай ҳувиллаб ётибди. Шунингдек, кўпгина қишлоқларда аҳолининг дам олиши учун маданият марказлари барпо этилган. Аммо вилоятнинг санъат даргаларига бешик бўлган бу қишлоқда ана шундай марказ йўқ.

Дарвоқе, юқоридагилар муаммоларнинг ўндан бири, холос. Агар бир четдан таҳлил қилинса, бунга қоғоз ҳам, вақт ҳам етмай қолади. Хуллас, бу қишлоқ «доирадан ташқарида» қолиб кетган. Ўйлаймизки, шу ишларга масъул мутасадди ташкилот ва раҳбарлар муаммоларни жойида ўрганиб, унга ечим топишга ҳаракат қилади.

Болтабой МАТҚУРБОНОВ,
журналист

Ушбу мақола Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг «Давлат ва фуқаролар ҳамкорлигининг замонавий механизми» грант лойиҳаси асосида тайёрланди.

Онамнинг қайтиши

Ҳар йили 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида оилам билан қишлоққа йўл оламан. У ерда мени жондан азиз меҳрибоним, дуогуйим, волидам дийдоримга муштоқ кутиб ўтирган бўлади. Ҳар гал қадрдон уйимга яқинлашар эканман, болалик чоғларимни бир-бир ёдга оламан. Болаларим қўлларида гул билан «бувимизни сизлардан бурун табриклаймиз», дея ҳовлига югуриб кириши, беихтиёр тўлқинлантириб юборади. Севинчдан кўзимга ёш қалқийди. Неваларининг шовқин-суронидан бизнинг келганимизни англаган онам қўлларини қушнинг қанотидай ёйиб, истиқболимизга пешвоз чиқади. Гарчи яқиндагина онамдан хабар олиб кетган бўлсамда, гўё йиллар давомида кўрмаган, жигаргўшасининг меҳрига илҳақ оналардек мени бағрига маҳкам босади. Эсон-омон келдингми, болам, дея юз-кўзларимдан меҳр-ла ўпади.

Хуллас, шу куни онам бошчилигида ака-ука, опа-сингиллар жамулжам бўлиб, байрамни нишонлаймиз. Болаларимнинг оғзи тегсин, дея ўз қўллари билан пиширган сумалакдан олдимизга қўяди. Кўк сомса, қатлама, чучваралар билан дастурхонимизни безайди. Ейиш учун нимаики топса, барини бизга илинади.

Энди ўйласам, бу бизнинг энг бахтли, энг хушчақчақ, ҳеч кимдан кам бўлмаган онларимиз экан. Бу йил байрамга қишлоққа борсам мени қўлларини қушнинг қанотидай ёйиб, олдимга югуриб чиқувчи, худди ёш боладек ўзини бағримга отувчи ОНАМ йўқ. Набираларига деб ҳатто бир дона майизни ҳам сандиғида асраб-авайлаб, илинадиган ОНАМ йўқ. Мана, олти ойдирки, юрагимнинг бир чети музлаб қолгандек. Ҳар гал телефонимга қўнғироқ бўлса, гўёки, онам қўнғироқ қилаётгандек шошиб қоламан. Аммо энди менга муштипарим ҳеч қачон қўнғироқ қилмаслигини ўйласам, ичимдан нимадир узилгандек бўлади.

Ҳар йилги анъанага кўра бугун ҳам эрта тонгдан қишлоққа отландик. Аммо бу йил онамни байрам билан табриклашга эмас, балки уни хотирлашга. Йўлимни тўғри онам мангу қўним топган қабристон томон бурдим. Чиройли гуллардан ясалган гулдастани онамнинг қабри тепасига қўйдим. Дил изҳоримни айтиб, байрам билан табрикладим. Руҳи покларига қурьон тиловат қилдим. Мана шу ёшга кириб, ҳеч қачон ҳозиргидек йиғламагандим. Ҳеч кимни онамни соғинганчалик соғинмагандим. Бугун мени СОҒИНЧ қийнаяпти. Аламлар, армонлар қалбимни ўртаяпти.

Қабристондан чиқиб, шаҳарга қайтмоқчи бўлдим. Уйга борганим билан барибир мени меҳр, соғинч ила кутиб оладиган онажоним йўқ. Ўзимнинг тойчоғим, дея елкаларимга уриб, эркалатадиган Падари бузрукворим йўқ. Ҳаёлим паришон бўлиб турганида қўл телефоним жиринглаб қолди. Қўтарсам укам Жамолбек экан:

— Ака, ака! Суюнчи беринг, қизлик бўлдим. Қизимга онамизни исмларини қўйдик. Ака, ойим қайтиб келдилар. Биз сизни кутяпмиз. Тезроқ келинг.

Дилим энтикиб кетди. Юрагимга қандайдир илиқлик ингандек бўлди. Хурсандлигимдан бўғзимга нимадир тиқилди. Ич-ичимдан қандайдир овоз онамнинг қайтганини тантана қиларди.

Б.МУҲАММАД

Ўзбекистонда болалар учун яна бир телеканал пайдо бўлиши мумкин.

Тишларни ип билан тозаламанг!

Калифорния жамоат соғлиғини сақлаш институти мутахассислари тиш тозалашда ишлатиладиган ипларда соғлиқ учун зарарли бирикмалар борлигини таъкидламоқда.

Уларнинг айтишича, ушбу моддалар жигар ва буйракларда тўпланиб, организмни секин-аста заҳарлайди.

«Ўчириб» қўйиш усули



Австралиянинг Квинсленд университети олимлари меланома (терининг ёмон сифатли ўсимтаси) ривожланишини тўхтатишга ёрдам берувчи усулни яратди.

Маълум қилинишича, олимлар ўсимтанинг қон айланишига жавоб берувчи ҳужайраларни «ўчириши» керак. Бунда ўсимталар ўсмайди ва бошқа жойга тарқалмайди.

Айғоқчи либос

Хитойдаги мактаб ўқувчилари уларнинг қаерда эканини кўрсатиб турувчи GPS узаткич ўрнатилган либослар кийиб юрадиган бўлди.

Айрим «ақлли» ўқувчилар кузатувчиларни алдашига йўл қўймаслик учун мактабнинг кириш дарвозасига қиёфани таниш ускунаси ўрнатилган. Дарсдан қочишнинг мутлақо имкони йўқ. Чунки GPS-микрочип ўқувчининг қаерда экани ҳақида шу заҳоти маълум қилади. Ақлли либос, шунингдек, ўқувчининг дарс вақтида ухлаб ўтирганини ҳам «сотади».

Ҳаммаси ҳақида...

Ҳар йили дунё бўйича шампан бутилкасининг қопқоғи отилганида тегиши натижасида 25 киши ҳаётдан кўз юмади.

- Дунё бўйича ажримларнинг 33 фоизи ижтимоий тармоқлар ҳиссасига тўғри келади.
- Того давлатида аёл кишига хушомад қилган эркак унга уйланиши шарт.
- Акулалар дельфинлардан жуда қўрқади. Чунки улар тумшуғи билан акулани нобуд қилиши мумкин.
- Автомобилдаги хавфсизлик ёстиқчалари 25-50 миллисекундда тўлиқ ишга тушади. Таққослаш учун айтиш керакки, одам киприк қоқишга 100 миллисекунд вақт керак.
- Инсон миясига кираётган маълумотнинг 80 фоизи кўзлар орқали қабул қилинади.
- Дунёдаги барча пулларнинг бор-йўғи 8 фоизи нақд пуллардир.
- Одам организмидаги ёғ миқдоридан 7 та совун тайёрлаш мумкин.
- Қадимги кельтлар ўлимдан кейин ҳаёт бор деб ҳисоблагани учун нариги дунёда қайтариш шарти билан бир-бирига қарз берган.
- Пара шаҳрида одамлар соатини ёмғирга қараб тўғрилайди. Чунки бу ерда ёмғир ҳар куни бир вақтда ёғади.

Яроқлилик муддати икки ҳисса ортади



«Apeel Sciences» компанияси озиқ-овқат маҳсулотларини одатдагидан узоқроқ сақлашга мўлжалланган қоплама ихтиро қилди.

Юпқа, шаффоф ва истеъмолга яроқли қоплама маҳсулотнинг бузилишига сабаб бўлувчи асосий омилларни бартараф этиб, унинг яроқлилик муддатини узайтиради.

Касаллик эрта аниқланади

Бир гуруҳ ўзбек мутахассислари онкологик касалликларни эрта аниқлаш, даволашда қўлланиладиган дастур яратди.

У беморларнинг текширув маълумоти, ультратовуш натижаларини тўплаш, киритиш ва сақлаш, якунда зарурий даволанишни танлаш каби бир нечта қулайликларга эга.

«Энг тез етказилган» мактуб

Лондонда яшовчи аёл 77 йил ўтиб, қайлиғидан мактуб олди.

Гап шундаки, 1941 йилда ёзилган ушбу нома 99 ёшли Филлис Понтингга Уилтшир полки аскари Билл Уокер томонидан юборилган. Аммо Иккинчи жаҳон уруши вақтида кеманинг чўкиши оқибатида йигит ҳалок бўлиб, мактуб ҳам сув тубига ғарқ бўлган. Ниҳоят, орадан шунча йил ўтиб, у топилди ва эгасига етказилди.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Реклама ўрнида

«SURXON RIELTOR SERVIS»

масъулияти чекланган жамияти очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

2019 йил 8 апрель куни соат 11:00 да Термиз шаҳри «С.Оллохёр» кўчаси ёқасида бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Сурхондарё вилояти «Агрокимёҳимоя» ХАЖ тизимидаги 2 иншоотдан иборат минерал ўғитлар тарқатиш шохобчалари қўйилмоқда.

1. Денов туман «Файзли» маҳалласи ҳудудида жойлашган умумий ер майдони 0,0264 га бўлган менирал ўғитлар омбори ва қоровулхона ҳамда бостирма бинолари.

Бошланғич баҳоси: 15 294 000 сўм.

2. Денов туман «Буюк ипак йўли» маҳалласи ҳудудида жойлашган умумий ер майдони 0.0987 га бўлган менирал ўғитлар сақлаш омбори биноси.

Бошланғич баҳоси: 10 150 000 сўм.

Савдода иштирок этишни истаган талабгорлар объектлар билан Сурхондарё вилояти «Агрокимёҳимоя» ХАЖ масъул ходими орқали танишишлари мумкин.

Аукцион савдосига қатнашиш учун талабномалар эълон чиққан кундан бошлаб 2019 йил 5 апрель соат 18:00 гача ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) Термиз шаҳри, С.Оллохёр кўчаси ёқаси, соат 9:00 дан 18:00 гача қабул қилинади.

Юқоридаги мулклар 2019 йил 8 апрелдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда ёки савдо ғолиби белгиланган муддатда шартнома имзолашдан бош тортса, шартнома имзолангандан сўнг шартнома шартлари бажармаса, такрорий аукцион савдоси 2019 йил 23 апрель, 8-23 май кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 10 (ўн) календарь кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш ва шартнома тузилган санадан бошлаб 30 (ўттиз) календарь кун ичида мулкнинг сотилиш баҳосини тўлаб бериш мажбуриятини олади.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагини билдирган жисмоний ва ҳуқуқий шахслар закалат келишуви тузилганидан кейин, объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизи миқдорида «SURXON RIELTOR SERVIS» МЧЖнинг ХАБ «Траст банк» Термиз филиалидаги (МФО;01063. ИНН;304558702), 2020 8000 3007 1118 3001 ҳисоб рақамига закалат пули тўлашлари ва закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

Жисмоний шахслар: фуқаролик паспорти, СТИР (Солиқ тўловчининг иденфикация рақами):

Ҳуқуқий шахслар: Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинган ҳолда. СТИР (Солиқ тўловчининг иденфикация рақами).

МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛ:
«SURXON RIELTOR SERVIS»
МЧЖ Термиз шаҳри
С.Оллохёр кўчаси ёқаси
Телефон: (76) 223-77-83,
Хизматлар лицензияланган.
Лицензия RR -0291.

ҚИСҚА САТРЛАРДА ЎҚИНГ!

Регистондаги 3D лазерли шоу ҳар куни намойиш этилади.

Қандай қилиб тадбиркор бўлсам?

Оилавий бизнесни йўлга қўйиш учун нималар қилиш керак? Тадбиркор аёл учун қандай кўникма ва малака зарур? Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда кредит олиш ва уни қайтариш тартиби қандай?

Тошкент вилояти Қибрай тумани Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда шу каби саволларга мутасаддилар томонидан жавоб қайтарилди.

— Тадбиркорлик осон эмас, — дейди Тошкент вилояти «Тадбиркор аёллар» уюшмаси раиси Малика Қодирхонова. — Уни йўлга қўйиш, яхши натижаларга эришиш учун катта билим керак. Ҳеч қандай тушунчага эга бўлмаган кищи бу борада муваффақиятга эриша олмайди. Айниқса, аёллар тадбиркорлиги юртимизда энди ривожланиш босқичида эканини инобатга олсак, уларга йўл-йўриқ кўрсатадиган, тўғри маслаҳат берадиган кўмакчи зарур.

Қайд этилганидек, аёлларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, уларнинг бизнес ғояларини қўллаб-қувватлаш ҳамда имтиёзли кредит билан таъминлашга қўмаклашиш Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятида муҳим ўрин тутади. Бугунги ташкил этилган тадбир ҳам тадбиркорликнинг турли соҳаларида жавлон уриб, оиласига қўшимча даромад келтираётган, юрт равнақи йўлида ўз ҳиссасини қўшаётган тадбиркор ва фермер аёлларни жам этди. Ўзаро ҳамкорлик ва тажриба алмашиш имкониятини яратди.

Маъсуда ЁҚУБОВА

«Пахтакор» — «Локомотив» учрашуви бошқа санага кўчирилди

Coca Cola Суперлига — 2019 1-тур учрашувлари доирасидан ўрин олган «Пахтакор» — «Локомотив» учрашуви 8 март куни бўлиб ўтиши белгиланган эди.

«Пахтакор» жамоасининг мурожаатига асосан бу ўйин 16 март — захира кунига кўчирилди, дейилади ПФЛ ахборотида.

Эслатиб ўтамиз, «Локомотив» 11 март куни Қатарда «Ал Райян» меҳмони бўлса, «Пахтакор» эса уйда 12 март куни Саудиянинг «Ал Аҳли» жамоасига қарши баҳс юритади.

Об-ҳаво

8 март	+15 °C	+6 °C
9 март	+15 °C	+5 °C
10 март	+16 °C	+5 °C
11 март	+16 °C	+6 °C
12 март	+16 °C	+6 °C
13 март	+19 °C	+8 °C
14 март	+21 °C	+8 °C

ob-havo.uz сайтидан олинган.

Акциядорлик тижорат

XALQ BANKI

жамоаси

Гўзал аёллар ва дилбар қизларимизни 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан табриклайди.
— Доимо юзингиздан кулгу, лабингиздан табассум аримасин.
Оила, ота-она, фарзандлар, барча яқинларингиз бахтига соғ, омон бўлинг, азиз ва мўътабар аёллар!

ЖАМИЯТ

Муассислар:
Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти.
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.
Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.
Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди.
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди.
Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
Ўзбекистон экологик ҳаракати.
Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.
«Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society» журнали.

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Рустам Комилов
Рустам Қосимов
Борий Алихонов
Акмал Саидов
Саид-Абдулазиз Юсупов
Шавкат Жавлонов
Руфат Неъматов
Феруза Мирзакомилова

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-314 Адади: 2504.
Жума куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ. Баҳоси келишилган нархда.
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.
ISSN 2010-7722

Навбатчи: Хайрулло Астанақулов

Дизайнер: Бегали Эшонқулов

100000, Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар: (71) 233-72-77, 236-10-87, 233-91-55
Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта: jamiyat@umail.uz
Газета индекси — 131
«ЖАМИЯТ»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
ЎзА якуни:
Топширилган вақти: 21.15
1 2 3 4 6